

Сийрат дарслари (218-дарс) Аллоҳга тақво қилинглр



19:00 / 17.02.2023 3699

848. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу унга шундай айтиб берган: «Биз ғорда турганимизда бошимиз тепасидаги мушрикларнинг оёқларига назар сола туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, агар улардан бири оёғига назар солса, оёғи остида бизни кўради-я», дедим. **«Ҳой Абу Бакр! Аллоҳ учинчилари бўлмиш икки киши ҳақида нима гумон қиляпсан?»** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

849. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Туёққа таклиф қилинсам ҳам, бораман. Менга туёқ ҳадя қилинса ҳам, албатта қабул қиламан»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

850. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бизда ёмон хислат бўлмайди. Ҳибасини қайтиб олган қусуғини қайтиб олган ит кабидир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Ҳиба – ҳадя, тортиқ дегани.

* * *

851. Нўмон ибн Башир розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Отаси уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кўтариб бориб: «Мен бу ўғлимга қулимни бердим», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳамма болаларингга ҳам шунга ўхшаб (қул) бердингми?»** дедилар. «Йўқ», деди. **«Уни қайтар!»** дедилар».

Бошқа ривоятда бундай келган:

«Отам менга молидан садақа қилди. Онам Амра бинт Равоҳа: «То Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни гувоҳ қилмагунингча, бунга рози бўлмайман», деди. Шунда отам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни садақамга гувоҳ қилиш учун борди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Ҳамма болаларингга шунга ўхшаш қилдингми?»** дедилар. «Йўқ», деди. **«Аллоҳга тақво қилинглар ва фарзандларингиз орасида адолатли бўлинглар»**, дедилар. Отам қайтди ва ўша садақани рад қилди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Яна бошқасида шундай дейилган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй Башир! Сенинг бундан бошқа ҳам боланг борми?»** дедилар. «Ҳа», деди. **«Уларнинг ҳаммасига шунга ўхшаш ҳиба**

қилдингми?» дедилар. «Йўқ», деди. **«Мени гувоҳ қилма. Мен жабрга гувоҳ бўлмайман»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Яна бошқасида бундай келган: «У зот: **«Уларнинг сенга яхшиликда баробар бўлишлари сени хурсанд қилмайдими?»** дедилар. «Қилади», деди. **«Ундай бўлса, ҳалигидай қилма!»** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан